

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.12.2019.Ғ.01.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАРПИЕВ МУҲАММАДЖОН ТОЛИБОВИЧ

**ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ШАХС МАЪНАВИЙ
МАДАНИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (маданиятшунослик ва маданият фалсафаси)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Парпиев Муҳаммаджон Толибович

Янгиланаётган Ўзбекистонда шахс маънавий маданиятини
такомиллаштириш омиллари 3

Парпиев Муҳаммаджон Толибович

Факторы совершенствования духовной культуры личности в обновляемом
Узбекистане..... 19

Parpiyev Mukhammadjon Tolibovich

Factors of improving the spiritual culture of personality in renewed
Uzbekistan..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 39

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.12.2019.Ғ.01.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАРПИЕВ МУҲАММАДЖОН ТОЛИБОВИЧ

**ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ШАХС МАЪНАВИЙ
МАДАНИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (маданиятшунослик ва
маданият фалсафаси)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси маълуми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ға259 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида баҳарланган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.f-i-k.uz) ва «Ziyoulet» Аxbорот ташкилида (www.ziyoulet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдулазиз Насиба Бурунонова фалсафа фанлари доктори, профессор а.б
Расмий оponentлар:	Қарибаев Усман Хасидович фалсафа фанлари доктори, профессор Саифназаров Исмоил Саифназарович фалсафа фанлари доктори, профессор
Елакчи ташкилот:	Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги ДSc.30.12.2019.Ғ.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соғат _____ дақиқасида бўлиб ўтган. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талбабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 4-уй. Иқтисодий фанлар факультети биноси, 511-хона. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871)246-02-24; E-mail: info@um.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Аxbорот-ресурс марказида танишни мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талбабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-02-24; E-mail: info@um.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ кунин тарқатилган.
(2020 йил «__» _____ дақиқаси _____ - рақамли реестр бодиномаси).

Ғ. 2020

Н.А.Шероухамедова
Илмий даражадор берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

У.Махсумов
Илмий даражадор берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Г.Махмутова
Илмий даражадор берувчи илмий кенгаш кенгаши илмий сонлар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Жаҳонда рақамли технологиялар ривожланган, инсон онгига таъсир қилувчи кибер воситаларнинг кўлами кенгаётган бир даврда шахснинг маънавий маданиятида гуманистик ғояларни, хусусан, эзгулик, яхшилик, оқибат, вафо, инсонийлик каби ахлоқий қадриятларни сақлаш, асраш долзарб аҳамият касб этмоқда. Инсон бошқа барча тирик мавжудотлардан онги ва маънавияти билан фарқланиши боис ўзининг ақл имкониятларини жамият ривожига хизмат қилишига йўналтириш, шахс маънавий маданиятида инсонийликни сақлашга эришиш ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Дунёнинг бир қатор институтлари ва илмий тадқиқот марказларида инсон имкониятлари ва фаоллиги, маънавий камолотига таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилмоқда. Амалий фаолиятнинг мия фаолияти билан боғлиқлиги инсон ҳаёти оқилона режалаштирилган жаҳолат ёки саховат маҳсули эканлигини аниқлаш бўйича илмий изланишлар ахлоқшунослик, маданиятшунослик, аксиология, мантик, эстетика, этика каби фанлар билан боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва янгиланиш жараёнида шахс маънавий маданиятини такомиллаштириш кун тартибидаги долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантириш учун жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновацияни янада ривожлантириш, нафақат ёшлар, балки бутун жамият аъзоларини билими, савиясини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан, шахс маънавий маданиятининг ижтимоий тараққиётдаги ўрни, унинг моҳиятини белгиловчи омилларни аниқлаш, илмий-амалий аҳамиятга молик бўлган хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 8 апрелдаги ПФ-5465-сон «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси¹ ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

¹ Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсоният тарихининг барча даврларида шахснинг табиати ва маънавий маданиятини ўрганиш бўйича салмоқли фикрлар илгари сурилган. Жумладан, “Авесто”да поклик ва яхшиликдан сабоқ берувчи, эзгуликни улуғловчи ва ёвузлик, қабоҳатни қораловчи фалсафий-ахлоқий мушоҳадаларда² ҳам шахснинг ахлоқи ақл билан мутаносибликни тақозо қилиши таъкидланган.

Шарқнинг буюк мутафаккирлари Имом Бухорий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Имом Ғаззолий, Жалолиддин Румий, Юсуф Хос Ҳожиб, Азизиддин Насафий, Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий ва бошқалар жамият ҳаётининг бош омили бўлмиш инсонга таъриф беришга, унинг моҳиятини аниқлашга ҳаракат қилганлар³. Жумладан, Беруний фикрича “Илм даргоҳига кирар экансан, қалбинг кишини оздирувчи иллатлардан, одамни кўр қилиб кўядиган ҳолатлардан, чунончи, қотиб қолган урф-одатлардан, хирсдан, рақобатдан, очкўзликнинг қули бўлишдан озод бўлмоғи даркор”⁴, демак, илм инсонни жаҳолатдан асрагувчи муҳим омил. Ибн Синонинг “Аллоҳ инсонга шундай куч-қувват ато этганки, шу туфайли у эзгулик (“хайр”)ни ёмонлик (“шарр”)дан, интеллектуал етуклик, камолот (“рашад”)ни ёлғон-яшиқ, адашиш (“гумроҳи”)дан фарқ қилади”⁵ деган фикрида дунёни ижтимоий-маданий ўзлаштириш фақат инсонга хослиги асосланади. Жалолиддин Румийнинг “Ичингдаги ичингдадир” асарида шахс маънавий камолотида руҳ ва жисм мувозанати ҳақида, “...бир данакни қобиқсиз ҳолда ерга эксанг, кўкармас. Қобиғи билан экканинг вақтда унади ва улкан бир дарахтга айланади. Ахир данакнинг фақат мағизини ажратиб эксанг, кўкармайди. Ҳолбуки, қобиғи билан ерга ташласанг, ўсиб чиқади”, деган ғояси шахс маънавий камолотида тана ва руҳ уйғунлигига ишорадир.

Европанинг қадимги давр файласуфлари Платон, Августин, Аристотель, янги даврда И.Кант ва Ф.Гегел, XX асрда К.Ясперс, А.Камю, М.Шелер кабилар шахс маънавий камолотига таъсир этувчи омилларни таснифлашган. Хусусан, А.Камю ўзининг “Бегона” асарида ғарбдаги бегоналашувнинг маънавиятга салбий таъсирини Мерсо образига асослаган. М.Шелер учун маънавият бу – эркинликдир, лекин эркинлик меъёрининг бузилиши маънавиятсизликка олиб келади.

XX асрда Россиялик олимлар Н.Бердяев ва Е.Медянцева асарларида шахс маънавий камолотининг омилларига баҳо берилган. Агар, Е.Медянцева учун бу профессионал ижтимоий масъулият бўлса, Н.Бердяев ҳам шахс маънавий

² Авесто. А.Маҳкам таржимаси, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир Н.Жўраев. –Тошкент: Шарқ, 2015.

³ Аристотель. Поэтика.-Л.:1927; Августин А. Исповедь. -М.: Канон, 1997; Платон. Собр.соч. В 3-х т.Т.2. -М.: 1970; Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993; Форобий Абу Наср. Рисолалар. –Тошкент: Фан, 1975; Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд. –Тошкент: Фан, 1968; Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994; Алишер Навоий. Ҳайрат-ул аброр. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989; Абдурауф Фитрат. Раҳбари Нажот. –Тошкент: Шарқ, 2000; Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. –Тошкент: Маънавият, 1999.

⁴ Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд, –Тошкент: Фан. 1968. –Б. 106.

⁵ Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт. –Тошкент: 2009 й. –Б. 181.

камолотининг омили сифатида эркинликни эътироф этади. Бу эса, М.Шелер ва Н.Бердяевнинг эркинликка бир хил муносабатини англатади.

Ўзбекистонда Э.Юсупов, С.Шермухамедов, Х.Шайхова, А.Жалолов, М.Холматова, С.Отамуратов, А.Очилдиев, И.Хўжамуродов, И.Саифназаров каби олимлар ўз ижодий изланишларида маънавий камолот омилларини илмий асослашган. Хусусан, академик Э.Юсуповнинг “Маънавий камолот омиллари” рисоласида инсон маънавий-ахлоқий оламининг шаклланишида ташқи ижтимоий муҳит таъсирининг аҳамиятига эътибор қаратилса⁶, Х.Шайхова шахс маънавий камолотида меҳнатнинг ўрнига юксак баҳо беради, меҳнат жараёни инсоннинг маълум фазилатларини такомиллаштиришни, ахлоқий онгини, бурч ҳиссини ривожлантиришини⁷ таъкидлайди. И.Холматова маънавий камолотда оиланинг ўрни, аҳамияти ва таъсирини очиб беради. И.Саифназаров ҳам оилада миллат давомийлиги, миллий кадриятларнинг боқийлиги сақланиши, оилада авлодлар умр занжирини мустаҳкамловчи авлод дунёга келиши ва камол топишини асослаб берган⁸. С.Отамуратов шахс маънавий камолотига салбий таъсир кўрсатувчи “оммавий маънавият” таҳдидини тадқиқ қилган бўлса⁹, А.Очилдиев ички руҳий дунё ва ташқи муҳит уйғунлигининг ролини очиб берган. Шунингдек шахс камолотининг фалсафий жиҳатлари А.Чориев, М.Қаҳҳорова, Б.Очилова, А.Мухтаров каби олимлар томонидан ўрганилган¹⁰.

Таҳлил этилган адабиётлар мазмуни маънавият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олганлиги, Ғарб ва Шарқ олимлари унинг хилма-хил қирраларини очиб беришга ҳаракат қилганлиги аниқланди. Ушбу тадқиқотда эса маънавий камолотнинг барча омилларини таснифлашга ҳаракат қилинган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Марказий Осиё халқларининг маънавий, маданий ва диний меросини тадқиқ қилиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади янгиланаётган Ўзбекистонда шахс маънавий маданиятини такомиллаштириш омилларининг аҳамиятини илмий-фалсафий нуқтаи-назардан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари меросида шахс маънавий камолотини таъминлашга йўналган ғояларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини таҳлил қилиш;

⁶ Юсупов Э. Маънавий камолот омиллари. –Тошкент: 1996. – Б. 64.

⁷ Шайхова Х. Маънавият – камолот кўзгуси. –Тошкент: “Ғофур Ғулом нашриёт-матбаа”, 2009. –Б. 43.

⁸ Саифназаров И., Саифназарова Ф. Ёшлар ва оила – Ватан таянчи. –Тошкент.: “Таълим нашриёти”, 2018. -Б. 130.

⁹ Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2013.-Б. 456.

¹⁰ Қаҳҳорова М. Маънавий идеал. –Тошкент.: Маънавият, 2008. – Б. 50-51.; Чориев А. Инсон фалсафаси II. Мустақил шахс. – Тошкент.: Чинор ЕНК, 2002. – Б. 118.; Саифназаров И. Иқтисодий ва маънавий манфаатлар уйғунлиги ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Янги аср авлоди,. 2002. –Б. 11-15.; Отамуратов С., Раматов Ж.,Хусанов С. Маънавият асослари. – Тошкент: Маънавият. 2000. – Б. 121.; Назаров Қ. Аксиология: кадриятлар фалсафаси – Тошкент: Маънавият. 1998. – Б. 121.; Очилова Б. Шахс маънавий камолотида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. –Б. 11.; Мухтаров А. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги. Монография. – Тошкент.: Янги аср авлоди, 2003. – Б.27.

“маънавий маданият”нинг жамият тараққиёти ва ижтимоий жараёнларнинг таркибий қисми сифатидаги вазифаларини таснифлаш;

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида шахс маънавий маданиятини ривожлантирувчи омилларнинг ўзаро алоқадорлиги ва кибер маконда шахс маънавиятига таъсир этувчи хуружларни аниқлаш;

ахлоқий қадрият ва диний эътиқод уйғунлигига эришишнинг имон бутлиги, виждон поклигини таъминлаш йўли эканлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистондаги ижтимоий, маънавий ва маърифий жараёнлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини янгиланаётган Ўзбекистонда шахс маънавий маданиятини такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумий ўзаро алоқадорлик, ворисийлик ва тарихийлик тамойиллари, тизимли ёндашув, анализ, умумлаштириш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шарқ мутафаккирлари меросидаги инсон маънавий маданиятини шакллантиришга оид ғояларини замонавий шахснинг авлодлараро ворисийликка таяниш ҳамда миллий қадриятларнинг маънавий камолот омили эканлиги очиб берилган;

шахс маънавий маданияти билим, эътиқод, ижтимоий муҳитнинг мутаносиблигига эришиш шахслараро барқарор муносабатларни таъминлашнинг меъёри эканлиги асосланган;

ёшларнинг виртуал мулоқот маданиятини шакллантиришда коммуникация воситаларидан оқилона фойдаланишга эришиш ахборот технологияларининг салбий (дунёқарашни чеклаши, онгни бошқариш) таъсирини олдини олиш имконияти эканлиги очиб берилган;

исломнинг нурли маърифий ғояларини ёшлар онгига сингдириш, диний маърифат ва ахлоқий қадриятларнинг уйғунлигига эришиш учун таълим муасасаларида диний ва дунёвий билимларни ўргатишнинг усулларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шахс маънавий маданиятининг омиллари ва уларнинг ижтимоий-маданий тараққиётда ўрнини ўрганишнинг назарий-методологик жиҳатлари аниқланган, “Ёшларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш концепцияси”ни яратишнинг зарурлиги ғояси илгари сурилган;

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида шахс маънавий маданиятини шакллантириш ва юксалтириш механизмлари аниқланиб улардан амалиётда фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ОАК рўйхатидаги махсус журналларда, хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолаларда, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция тўпламларида ҳамда диссертацияда илгари сурилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, унда илгари сурилган ғоялар ва таклифлардан маънавий камолот омиллари, шахс маънавиятига ижтимоий муҳитнинг таъсири, диний ва дунёвий маданиятнинг устувор йўналишларига миллий ва умуинсоний маънавиятнинг аҳамиятига оид илмий тадқиқот ишларида, нодавлат ноижорат ташкилот ходимларининг илмий мақолаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Фалсафа”, “Маданиятшунослик”, “Ижтимоий фалсафа”, “Миллий ғоя. Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси”, “Фалсафий антропология”, “Тарбия” каби фанлар бўйича маъруза матнларини тайёрлашда, семинар машғуотларини ташкил этишда, профессор ўқитувчиларнинг тарбияга оид амалий фаолиятида, талабаларнинг мустақил таълим олишида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Янгиланаётган Ўзбекистонда шахс маънавий маданиятини такомиллаштириш омилларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Шарқ мутафаккирлари меросидаги инсон маънавий маданиятини шакллантиришга оид ғояларини замонавий шахснинг авлодлараро ворисийликка таяниш ҳамда миллий кадриятларнинг маънавий камолот омили эканлиги борасидаги назарий хулосаларидан КА-1-004-сонли “Ўзбекистонда модернизация жараёнлари ва ёшларда инновацион онг шаклланишини илмий-амалий тадқиқ этиш” амалий лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 майдаги 89-03-1799-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари лойиҳа доирасида нашр этилган “Модернизация жараёнининг фалсафий жиҳатлари” номли ўқув қўлланмада маънавий маданият тушунчаси, функциялари ва хусусиятлари, унда содир бўладиган жараёнлар, миллий кадриятларни маънавий камолот омили эканлигининг илмий-назарий асосларини очиқ беришга хизмат қилган;

шахс маънавий маданияти билим, эътиқод, ижтимоий муҳитнинг мутаносиблигига эришиш шахслараро барқарор муносабатларни таъминлашнинг меъёри эканлиги сифатида асослаб берилган хулоса ва тавсиялардан Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси фаолиятининг “Ёшлар маънавий оламини шакллантириш, таълим тизимининг назарий асослари” амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг 2020 йил 17 мартдаги 09-16/497-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон таълим тизимининг назарий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда ёшларда таълим ва тарбия уйғунлигини шакллантиришга хизмат қилган;

ёшларнинг виртуал мулоқот маданиятини шакллантиришда коммуникация воситаларидан оқилона фойдаланишга эришиш ахборот технологияларининг салбий таъсирини олдини олиш имконияти эканлигига доир хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури” тўғрисидаги

ПФ-6017-сон Фармони мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий Кенгашининг 2020 йил 11 мартдаги 02/07-239-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш каби вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилган;

исломнинг нурли маърифий ғояларини ёшлар онгига сингдириш, диний маърифат ва ахлоқий қадриятларнинг уйғунлигига эришиш учун таълим муасасаларида диний ва дунёвий билимларни ўргатишнинг усулларини такомиллаштириш юзасидан чиқарилган хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Маданият ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш” тўғрисидаги концепциясида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 11 мартдаги 02/07-239-сон маълумотномаси). Натижада республиканинг давлат ва нодавлат жамоат ташкилотларида олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишларида ёшлар дунёқарашида маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш вазифаларини самарали амалга ошириш имкониятини яратди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича маърузалар 5 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларда тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан, 2 та хорижий ва 5 та республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, етти параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишларнинг сони ва диссертациянинг тузилиши асосланган.

Диссертациянинг **“Шахс маънавий маданияти такомил босқичларининг фалсафий таҳлили”** деб номланган биринчи бобида “маънавий маданият” иқтисодий ва сиёсий шароит таъсирида инсон ижтимоий онгининг ўзгариши натижасида такомиллашиб бориши асосланган. Муаллиф фикрича, шахснинг маънавий маданияти ўз-ўзини англаш, келажакка ишонч билан яшаш истаги, инсоннинг мақсадли фаолиятида намоён бўлади.

Диссертацияда шахс маънавий маданиятининг ижтимоий тараққиёт қонуниятлари билан боғлиқлиги, маънавий маданиятга миллий менталитетнинг таъсири асосланган. Муаллиф маданият тушунчасининг икки даражасини очиб берган. Оддий – кундалик онг даражаси – одамларнинг кундалик амалиёти маҳсули сифатида амал қилади, унда шахс ўзига таъсир қилаётган барча маълумотларни қабул қилади. Назарий даражада – ақл имкониятлари намоён бўлади, инсон мушоҳада қилиш қобилияти орқали маълумотларни саралайди ва фақат ўзининг ички маънавий-руҳий ҳолатига зарур бўлганларини сақлаб қолади ва ривожлантиради.

Муаллиф ўзбек файласуф олимлари Э.Юсупов, С.Шермухамедов, М.Абдурахмонов, Н.Рахмонов, И.Саифназаров, С.Отамуратовларнинг шахс маънавий маданияти тушунчасига берган таърифларини қиёсий таҳлил этган. Хусусан, академик Э.Юсупов учун маънавият бу руҳий камолот¹¹ бўлса, С.Шермухамедов фикрича эса, маънавият инсоннинг юксак кадриятлари, миллатлар, халқлар ўртасидаги муносабатлар тизими ва маорифдир.¹² М.Абдурахмонов ва Н.Рахмонов маънавий маданият таълим ва фан соҳасига оид илмий фаолиятни, ахлоқий ва эстетик маданиятни ўз ичига олишини таъкидлайди¹³. А.Очилдиев маънавий маданият ўз моҳиятига кўра маънавий ишлаб чиқариш фаолиятининг натижасидир¹⁴, деб баҳо берган.

Тадқиқотчи И.Саифназаровнинг оила ёшлар маънавий камолотининг асосий омили, оила соғлом бўлса жамият мустаҳкам, мамлакат қудратли бўлади¹⁵ деган фикрига қўшилади, шу боис ёшларни оила қуришга диний ва дунёвий нуқтаи назардан ёндашувни ўргатиш лозим. Муаллиф, С.Отамуратовнинг маънавий маданиятни яратиш, ўзлаштириш ва

¹¹ Юсупов Э. Маънавий камолот омиллари. –Тошкент: 1996. -64 б.

¹² Шермухамедов С. Ижтимоий тараққиёт ва маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири. –Фарғона: 1999. -7 б.

¹³ Абдурахмонов М., Рахмонов Н. Маданиятшунослик –Тошкент: 2008. -37 б.

¹⁴ Очилдиев А. Маданият фалсафаси. –Тошкент: Муҳаррир, 2010. -33 б.

¹⁵ Саифназаров И., Саифназарова Ф. Ёшлар ва оила – Ватан таянчи. –Тошкент: “Таълим нашриёти”, 2018. -21 б.

ривожлантириш жараёнида жамият тараққий этади, кишиларнинг маънавий қиёфаси шаклланади, ахлоқ-одоби, дид ва фаросати, ижодий кучи ва қадриятлари ортиб боради¹⁶ деган фикрига ижобий баҳо беради ва маънавий маданият одамларнинг шахслараро ўзаро таъсири, ҳар қандай ижтимоий хатти-ҳаракатлар, интеллектуал ва ижодий ҳаракатларини қамраб олади деб таъкидлайди. Қиёсий таҳлиллар натижасида муаллиф маънавий маданият инсоннинг ижтимоийлашуви маҳсули, у ирсий белгилар билан бир қаторда, ташқи муҳитнинг таъсирида ижобий фазилатлари ва салбий иллатлари бирга намоён бўлади деган хулосага келади. Зеро, маънавий маданият инсон фаолияти соҳаси бўлиб, у жамият маънавий ҳаётининг турли томонларини, шунингдек муҳим маданий ва тарихий бирликда шакланган ёки умуман инсониятга хос бўлган билимлар ва дунёқараш тизимини қамраб олади.

Диссертант фикрича, “маънавий маданият” асосини ақл ва эмоциялар билан боғлиқ фаолият ташкил этади. Маънавий маданият инсон фаолиятининг маънавийлашган шакли натижаларини ўзида акс эттиради ҳамда ғоялар, тасаввурлар, илмий билимлар, таълимотлар, санъат асарлари ва ахлоқий нормалар тарзида намоён бўлади. Маънавий маданиятнинг турли шакллари бир қарашда мустақил кўринсада, аслида бу шаклларнинг барчаси бир бутун маънавий ҳодиса - жараённинг таркибий қисмларидир. Фан, дин, фалсафа, санъат, ахлоқ, ҳуқуқ, сиёсат, мафкура маънавий маданиятнинг муайян шакллари ҳисобланиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос тузилишга ва муайян вазифаларга эга.

Диссертацияда маънавий маданият шахснинг ҳаракатлари, воқеликни баҳолаш, ахлоқий билим ва тажрибалари, улардан фойдаланиш қобилияти ва бошқа омиллар билан боғлиқлиги асосланган. Бу омиллар ижтимоий ҳаёт соҳаларини ўзгартиришга, тафаккурнинг янгиланишига хизмат қилади. Маънавий маданиятнинг омиллари шахснинг ижодий, илмий, фалсафий, ҳуқуқий, бадий, диний билимлари, ахлоқий фазилатлари ва фаолияти ҳамдир.

Тадқиқотда маънавий маданият ривожланишининг асосий босқичлари мутафаккирлар қарашлари асосида таснифланган. Хусусан, қадимги Марказий Осиё халқлари маънавиятининг шаклланиши ва юксалишида зардуштийлик дини ва “Авесто” муқаддас китобининг ўрни, ислом таълимоти негизида илғор фикрлар сифатида инсонпарварлик, ахлоқ-одоб, меҳр-шафқат, садоқат, инсоний фазилатлар, имон-эътиқод тарғиб этилиши муқаддас диний манбаларда юксак ижтимоий фазилатлар ахлоқий қоидалар тарзида белгиланганлиги асосланган. Зардуштийлик таълимотига кўра, инсон фаолиятини бошқарадиган муҳим қудрат – ақл ва ахлоқ-одоб нормаларидир. Ислом динида Аллоҳга эътиқод ва муҳаббат билан имон бутлигини таъминлашга эътибор қаратилади.

Диссертант, диний манбалар Куръони карим сура ва оятларида, шунингдек, Ҳадиси шарифлардаги ижтимоий низоларни бартараф этиш, жиҳод ва биродаркушликка йўл қўймаслик каби ғояларнинг маънавий камолот омили сифатидаги аҳамиятини очиб берган. Хусусан, Имом Бухорий ҳадисларида шахс маънавий камолотининг омиллари имон-эътиқод, меҳр-муҳаббат, эзгулик, ота-

¹⁶ Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. –Тошкент: Ўзбекистон, 2013. -168 б.

она, катталарга ва аёлларга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, фақир-бечораларга ҳиммат, Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, баданнинг покизалиги ва ҳалоллик билан ўлчанса, Имом Термизийнинг ҳадислари илму маърифатга эътибор, жаҳолат, илмсизлик хурофотга қарши кураш, инсонийлик каби фазилатлар улуғланади.

Диссертант фикрича, Ю.Ҳамадоний ижоди билан бошланган тасаввуф таълимотидаги маънавий камолот омиллари ҳақидаги қарашлар Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандий ижодида ривожлантирилган. Уларнинг фикрича, маънавият фақат тоат-ибодат эмас, балки “Ишқ”, “Нафс” ва “Ахлоқ” ҳам инсон маънавий камолоти омилидир. Бунда Аллоҳга муҳаббат ўзликни англаш орқали намоён бўлади, ўзликни англаш эса, инсоннинг доимий билимга эҳтиёжининг ифодасидир. Нафс инсонни ёмонликка бошлайдиган энг катта салбий иллатдир, унинг негизида ҳасад ётади. Ахлоқ муҳаббат ва нафс мутаносиблигини таъминловчи асосий куч бўлиб, у ақл билан бошқарилади. Ҳар қандай нафс оқибати ақлга эмас, эҳтиросларга таянади. Муаллиф фикрини Азизиддин Насафийнинг “Зубдат ул-хаққойик” асаридаги комил инсонга таърифи билан асослайди, унинг фикрича маънавий камолотнинг муҳим воситалари “эзгу сўз, эзгу феъл, эзгу ахлоқ” ва маорифдир. Муаллиф, Ғаззолийнинг “Кимёи саодат” (“Дил ҳақиқати”) асаридаги кўнгил моҳиятини билиш баёни, шаҳват, ғзаб, бадан ва ҳислар, ақл ва кўнгилнинг яратилиши сабабларига оид ғояларини таҳлил этган. Унинг “бадан ҳиссиётларнинг хизматида, ҳиссиётлар ақлга хабар етказувчидир”¹⁷ деган фикрида ақл эмас туйғулар устуворлик қилишини ва бадан доим шаҳват кули эканлигини тан олади, бу эса тана ва ақлнинг бир биридан айри эканлигидан далолатдир.

Диссертацияда Форобийнинг одил жамият ва комил инсон ҳақидаги мулоҳазалари, маънавий баркамоллик ҳақидаги қарашлари унинг қалб кўзи очиқлиги, шахс ҳаётида жамоанинг ўрни, инсон руҳи, ақл ва дил вазифалари борасидаги таълимотларига таяниши очиб берилган, Ибн Синонинг тана ва руҳ уйғунлиги, қалб тозаллиги, поклик ва руҳ бақувватлигига оид мулоҳазаларининг аҳамияти таҳлил қилинган.

Тадқиқотда XX аср маърифатпарварлари ғоялари таҳлил этилган. Муаллиф, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Икки эмас, тўрт тил лозим” мақоласида илгари сурилган ғояларнинг ҳозирги даврда маънавий камолот омили сифатидаги аҳамиятини асослаган. Хусусан, унинг “Халқнинг маънавий-маданий савиясини кўтармоқ учун, миллатимизни бошқа миллатлардан орқада қолмаслиги учун ҳар бир киши Европа давлатларига бориб маълум бир тилни ўрганиш керак. Арабийни билмасак дин, русча билмасак дунё кўлдан кетади. Туркий ва форсийнинг кераклигига сўз йўқдир. Бизга лозимки ўз нафимиз учун русча билайлик. Ҳукумат мактабларида ўқийлик, давлат мансабларига кирайлик. Мусулмон бўлиб туриб тараққий қилайлик”¹⁸ деган ғояси юз йилдан кейин ҳам Ўзбекистонда маънавий янгилашни жараёни учун муҳим аҳамиятга

¹⁷ Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Биринчи китоб. “Имом Бухорий халқаро маркази”. –Самарқанд: 2019. -24 б.

¹⁸ Маҳмудхўжа Бехбудий. Икки эмас, тўрт тил лозим. Танланган асарлар. –Тошкент: Маънавият, 2006. -153 б.

эга. Дарҳақиқат, маънавий камолотнинг энг муҳим омили тарбия ва таълим бўлгани учун Ўзбекистонда таълим соҳасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда ва ёшларнинг олий маълумотли мутахассис бўлиши учун барча шароитлар яратилмоқда.

Муаллиф, Абдурауф Фитратнинг шахс маънавий камолоти учун “...болаларга фикрлашда исбот бўлишини ўргатиш, яъни уларга доим тўғри, рост маълумотлар бериш ва хотираларида беасос, ботил фикрларнинг жой олишига йўл қўймаслик, акс холда улғайганларидан кейин ҳам ана шу беасос фикрларга тартиб бериб нотўғри муҳокама қиладиган бўлиб қолишлари, натижада эса хато йўлларга кириб қолиб зарар кўришлари¹⁹” мумкин деган фикрига қўшилади ва бу ғоянинг аҳамиятини Германияда бола тарбиясида ёлғон ишлатмаслик тажрибаси юқори даражада амал қиладигани далили билан асослайди. Демак, фикр тарбияси маънавий камолотга элтувчи муҳим омилдир.

Хуллас, янгиланаётган Ўзбекистонда фуқароларнинг иқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали уларнинг маънавий ва маърифий етукликка эришиши учун аждодлар ўғитларига амал қилиш, таълим ва тарбия жараёнларидаги ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлишига эришиш лозим.

Диссертациянинг “**Ҳозирги даврда шахс маънавий маданиятига таъсир қилувчи омиллар**” деб номланган иккинчи бобида, шахс маънавий маданиятини такомиллаштириш омиллари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги асосланган. Шунингдек бугунги глобаллашув жараёнида шахс маънавиятига салбий таъсирлар, кибермакондаги мафкуравий хуружлардан ҳимояланиш воситалари очиб берилган.

Муаллиф фикрича, дунёвий ва диний билимларнинг мутаносиблигини таъминлаш, ахлоқий қадриятларга амал қилиш, бир нечта касб эгаси бўлиш, бир нечта тилларда мулоқот қилиш замонавий шахснинг маънавий камолоти омилларидан биридир. Зеро, дунёвий билимлар даврнинг руҳини ҳис қилиш, ижтимоий иқтисодий жараёнларга дахлдорлик туйғусини шакллантирса, диний билимлар имон бутлигини таъминлаш воситасидир. Чунки рақамли технологиялар ривожланаётган жамиятда шахснинг дунёқараши ва ахлоқини ўзгараётган даврга мутаносиблигини таъминлаш лозим.

Тадқиқотда бугунги ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, жумладан, инсонларнинг қадриятларга бўлган муносабатларида ижтимоий соҳа аҳамияти камайиб, индивидуалистик қадриятлар аҳамияти ошиб бораётгани таъкидланади. Бу жараёнга инсоннинг ўзини мустақил шахс сифатида англаши имконияти ва ҳаёт маромининг жадаллашуви оқибати деб баҳо бериш мумкин. Бунда инсонларнинг ўз куч ва имкониятларини тенг тақсимлашга эришиши муҳим аҳамиятга эга.

Диссертацияда диний маърифат ва диний қадриятлар уйғунлигини таъминлаш шахс маънавий камолоти омили эканлиги очиб берилган. Сўнгги йилларда Ислом цивилизацияси маркази, Ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат

¹⁹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 5 жилд. –Тошкент: Маънавият, 2010. -196 б.

қилмоқда²⁰. Муаллиф фикрича, бугунги кунда «жаҳолатга қарши маърифат» ғояси асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини аҳолига, ёшларга етказиш, ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Шахс дунёқараши ва турмуш тарзида диний қадриятларга ишонч, ҳурмат оила, диний таълим, диний ғояларнинг тарғиботчилари фаолияти таъсирида шаклланади, диний қадриятларга ишонч диний маданият омили ҳисобланади.

Тадқиқотда маънавий маданиятнинг шаклланишига кибер маконнинг таъсири очиб берилган. Виртуал маконда шахс идеаллаштирилган қадриятлар дунёсига интилади. Муаллиф фикрича, кибермаконда диний экстремизм, порнография, ўлимга даъват этувчи ўйинларда намоён бўлаётган маънавий таҳдидлар авж олмоқда. Шу боис хушёрликни ошириш даврнинг талабидир. Зеро ахборот маконидаги “киберуюшмалар”, “Интернет болалари”, “Интернет фуқаролари” инсониятнинг неча мингйиллик маданий тараққиётини парчалаб юбориш эҳтимолини оширмоқда.

Кибермакондаги энг оммалашган маънавий таҳдидлардан бири “Оммавий маданият”дир. Унинг асосий унсури бўлган “поп-психология” ёшларда жамият, ота-она, оила олдидаги масъулиятни “ўлдирмоқда”. Зеро, унинг таянчи – “даромад, фойда ғояси ва бутун ҳамма нарсани, жумладан ҳаёт ва соғлиқни ҳам сотиб олиш мумкинлигига бўлган ишонч”дир. Бугун ёшлар дунёқарашида маданий ахлоқий бузилиш уларнинг аجدодлар меросига муносабатида, қиёфасида, ўзаро мулоқотида, турмуш тарзида, оилавий муносабатларида намоён бўлмоқда. Айнан шу тоифадаги ёшларнинг жиноят йўлига кириши, оилавий ажримлари, суицид ҳолатлари кузатилмоқда. Шу боис Ўзбекистонда бу вазиятнинг олдини олиш бўйича тизимли фаолият олиб борилмоқда.

Хуллас, бугунги ахборотлашган жамиятда инсон маънавий маданиятида самимийлик, инсонийлик руҳини сақлаш, бегоналашувнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Диссертациянинг **“Янгиланаётган Ўзбекистонда шахс маънавий маданиятини юксалтиришнинг стратегик вазифалари ва имкониятлари”** деб номланган учинчи бобида давлатнинг барқарор тараққиёти унинг ҳарбий қудрати, иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги асосланган. Давлатнинг тинчлиги, барқарор тараққиёти, ҳарбий қудрати, иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари, миллий манфаатлар хавфсизлигини таъминлаш инсон омилига боғлиқ бўлиб, бунда шахс маънавий маданияти ва камолотининг аҳамияти катта.

Муаллиф фикрича, “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” эзгу ғояси демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш, фаровон ҳаёт ва иқтисодий барқарорликни назарда тутди. Бу Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”, “Рақамли иқтисодиёт-2030”, таълим тизимини тараққий эттиришнинг 2030 йилгача мўлжалланган концепциясида белгиланган вазифаларда ўз ифодасини топган. Зеро, ҳар қандай маънавий баркамоллик иқтисодий барқарорлик билан боғлиқ.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелда “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон Фармони. //http://lex.uz.

Муаллиф фикрини Германия ва Японияда сиёсий, иқтисодий инқироздан чиқишда “Халқнинг қорнини тўйдириш учун, аввало унинг миясини тўйдириш керак” деган ғоянинг аҳамияти билан исботлайди. “Мияси тўйган халқнинг қорни ўз-ўзидан тўяди”, “мияси тўйган” халқнинг мамлакат истиқболига ишончи, ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғуси, маданий савияси, касбий маҳорати, мамлакат олдидаги бурч ва масъулияти ошади.

Жаҳон тажрибасига таянган ҳолда Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни таъминлаш сиёсати амалга оширилмоқда. Бу жараён миллий тикланиш даврида бошланиб, ҳозирги кўптармоқли иқтисодиётнинг ривожланишда ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистондаги “Ҳар бир оила тадбиркор”, “ Ёш тадбиркор-юртга мададкор”, “Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси” доирасида хусусий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган шароитлар “Мияни тўйдириш”га йўналган бўлиб, бу инсоннинг ўз меҳнати билан ғурурланишига асосдир. Бу юқори технологиялардан фойдаланишни тақозо этади, шу боис республикада бир миллион дастурчи лойиҳаси доирасида ёшларнинг ахборот технологияларини ўрганиши учун шароит яратилмоқда, бу бир томондан уларнинг муайян касбни эгаллаши, жамиятда муносиб ўрнини топишга йўналган мияни тўйдириш функциясини бажарса, иккинчи томондан маънавий камолот омили сифатида амал қилади. Муаллиф фикрича, жамиятдаги маънавий бузилиш, оммавий маданиятнинг салбий таъсири, коррупцияга қарши курашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та муҳим ташаббуси муҳим аҳамиятга эга. Бу ташаббуслар ижтимоий фаолликни ошириш, бўш вақтдан унумли фойдаланиш, энг муҳими “мияни тўйинтириш”га йўналганлиги билан аҳамиятлидир.

Диссертант инсон онги, маданияти, фикрлаш даражаси шу давлат ва жамиятнинг манфаатларидан келиб чиқишининг бир қатор омилларини асослаган. Булар, аждодлар маънавий-маданий меросидан ижодий фойдаланиш, инновацион тафаккурни шакллантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, оилани, болалар боғчасини, мактабни, олий таъли тизимини ва барча маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини тизимли ташкил этишда намоён бўлади.

Диссертацияда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маънавий интеллектуал салоҳияти ва юксак маданий даражаси жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омил эканлиги асосланган. Давлат ва жамият янгилинишида фуқароларнинг айниқса, ёшларнинг иштироки уларнинг объектив воқеликка муносабатида тўла намоён бўлади. Янгиланаётган Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ошиши уларни ижтимоий тараққиётнинг «катализатори»га айлантиради. Бу ёшларнинг ижтимоий жараёнларга нисбатан даҳлдорлик туйғусида, уларни жамият ривожининг ижтимоий фаол қатлами сифатидаги тизимли фаолиятида намоён бўлади.

Тадқиқотчи фикрича, шахс маданияти таълим ва тарбия жараёнида ривожланади. Таълим ва тарбия шахс ижтимоийлашувининг муҳим омилдир. Муаллиф фикрича ижтимоийлашув - бу ижтимоий ҳаётнинг тайёр шакллари ва усулларини ўзлаштиришга, ўз кадриятларини ривожлантиришга ёрдам

берадиган барча ижтимоий жараёнларнинг йиғиндисидир. Ижтимоийлаштиришда ижтимоий тажриба ўзлаштирилади ва ижтимоий муносабатлар ривожлантирилади. Таълим ижтимоийлашув механизми бўлиб, унда иккита тарбиявий функцияси амал қилади: биринчиси, шахсга таъсирлар кўламини кенгайтириш, иккинчиси - шахснинг интеллектуал онгига таъсир этиш механизмларини такомиллаштириш кабилардир. Диссертацияда тарбия ва ижтимоийлашув алоҳида ўзига хос ижтимоий ҳаракатлар эмас, балки шахснинг ривожланишига ижтимоий таъсирларнинг ўзига хос бирлиги эканлиги асосланган, ижтимоийлашув жараёнида шахснинг интеллектуал салоҳияти ошади.

Муаллиф ижтимоийлашув ва тарбия механизми яхлит жараён сифатида Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-11-синфлари учун “Тарбия” фани концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида ўз ифодасини топганлигини асослайди. Зеро, бугунги кунда ёшларнинг маънавий камолотга эришишида таълим ва тарбия тизимидаги ислоҳотлар уларнинг фуқаролик масъулиятини ошириш омили ҳисобланади, бунда халқаро тажрибага таяниш муҳим аҳамият касб этади.

Хуллас, маънавий баркамол шахс тарбиясида аждодлар мероси, дунё ижтимоий тажрибасини ўрганиш Янгилаётган Ўзбекистонда мустақил фикрловчи, танқидий таҳлил қилувчи янги авлодни тарбиялашга хизмат қилади, бунда инсон ташқи ижтимоий кучларнинг таъсиридан ўзини ҳимоя қилиши учун билимга таяниши ва ҳар қандай босим, лоббизм, фаворитизм, иккиюзламачилик каби иллатларга қарши курашиш учун ўзида куч топмоғи лозим.

ХУЛОСА

Янгилаётган Ўзбекистонда шахс маънавий маданиятини такомиллаштириш омилларини тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги назарий хулосалар илгари сурилди:

1. Шахс маънавий маданияти тушунчаси асосини ақлий фаолият ташкил этади. Бунга билим орқали эришилади, ахлоқий нормаларга амал қилиш шахснинг ижтимоийлашуви омили бўла олади. Ижтимоий ва индивидуал онгнинг мутаносиблиги шахсни жамиятдаги ўрнини аниқлаш имконини беради. Фан, дин, фалсафа, санъат, иқтисод, ахлоқ, ҳуқуқ, сиёсат, мафкура, миллий ўзлик маънавий маданиятнинг муайян шакллари ҳисобланиб, унинг ҳар бири ижтимоий индивидуал онгнинг шаклланишида муайян вазифани бажаради.

2. Бугунги кунда бир томондан кашфиётлар ва ихтиролар инсон ақли имкониятининг чексизлигини намоён этаётган бўлса, иккинчи томондан маънавий тубанлашув, шахслараро зиддиятлар авж олмоқда. Оқибатда эса, фан технологиялар ривожининг жамият аъзолари турмуш тарзи фаровонлигида намоён бўлса, зиддиятлар маънавий инқироз, ахлоқий бузилиш, жинойтларнинг кўпайишида ўз ифодасини топмоқда. Дунёнинг баъзи мамлакатлари ривожланмоқда, баъзи мамлакатларда эса қашшоқлик камбағаллик, касалликлар,

очарчилик авж олмоқда. Бундай вазиятда маънавий барқарорликни таъминлашга эҳтиёж ошмоқда.

3. Маънавий маданият – бу маънавиятнинг кўп қиррали дунёси билан боғлиқ бўлган инсоннинг ақлий, ҳиссий ва жисмоний фаолияти натижасидир. Маданий мерос, анъаналар, урф-одатлар фақат ўтмишдан қолиб келаётган ёдгорликкина эмас, балки маънавий бойликларнинг таркибий қисми, инсон ақл-идроки ва тафаккурининг буюк ютуғи ҳамдир.

4. Маънавий маданият функциялари типологиясининг тизими дунёқарашни, борлиқ ва билишнинг универсал хусусиятларини ва қонуниятларини ақс эттиришга йўналтирилган билимлар тизимини, шунингдек, когнитив ва амалий ўзгариш дастурини ишлаб чиқишга йўналтирилган услубий билимларни ифодалайди. Маънавий маданиятнинг объектив ва субъектив шакллари мавжуд. Унинг объектив шакли яхлит ҳодиса бўлиб, унда турли хил элементларнинг бирлиги – ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, экологик, сиёсий кўринишлари ва жисмоний маданият, тиббий, педагогик, бадий маданият, илмий ва маънавий маданиятнинг объектив шаклларининг хилма-хиллиги инсон фаолиятининг хилма-хиллиги билан белгиланади.

5. Маънавий маданиятни шакллантиришда ахлоқий ва диний кадрларнинг ўрни онгнинг барча бошқа турлари – сиёсий, ҳуқуқий, эстетик, иқтисодий – жамият ҳаётида объектив, воқеий тавсифлар, буюмлар, материаллар сифатида намоён бўлади.

6. Кибермаконда ўзига хос “маънавий маданият” шаклланмоқда. Чунки дунёнинг табиат (табиий) ва маданият (сунъий) маконга бўлинишида виртуал ва реал ижтимоий-маданий доираларнинг “таъсир доиралари”ни ажратиб ўрганилмоқда. Айниқса, бу жараён замонавий телекоммуникация технологияларининг жадал ривожланиши фонида янада долзарб бўлиб бормоқда. Бу маданият тури табиий маданият воқеликка нисбатан параллел равишда мавжуд ва уни ўйин маданиятининг бир қисми сифатида талқин қилиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.12.2019.Fal.01.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ПАРШИЕВ МУХАММАДЖОН ТОЛИБОВИЧ

**ФАКТОРЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДУХОВНОЙ КУЛЬТУРЫ
ЛИЧНОСТИ В ОБНОВЛЯЕМОМ УЗБЕКИСТАНА**

**09.00.02 – Философия сознания, культура и форм действия (культурология и
философия культуры)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2020

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора наук (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/Fal259

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (ik-falsafa@nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:

Абдуллаева Насиба Буруновна
доктор философских наук, проф.

Официальные оппоненты:

Карабаев Усман Хасилович
доктор философских наук, профессор

Саифназаров Исмоил Саифназарович
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация:

Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.30.12.2019.F.01.05 при Национальный университет Узбекистана (Адрес:100174, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 4. Здание факультета Социальных наук Национальный университета Узбекистана, 5-этаж, кабинет 511. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nu.uz.).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национальный университета Узбекистана (зарегистрирована под №___). (Адрес: 100174, г.Ташкент, улица Университетская, дом 4. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан: «___» _____ 2020 года.

(Реестр протокола рассылки №__ от «___» _____ 2020 года).

Н.А.Шермухамедова

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор

У.А.Махкамов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD)

Г.Т.Махмудова

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В то время, когда в мире развиваются цифровые технологии, спектр киберинструментов, влияющих на человеческий разум, расширяется, сохранение гуманистических идей, в частности, моральных ценностей, таких как доброта, добродетель, последствия, верность, гуманность, становятся все более важными в духовной культуре. Поскольку человек отличается от всех других живых существ своим сознанием и духовностью, направление его интеллектуального потенциала на развитие общества, достижение сохранения человечности в духовной культуре личности остается актуальным.

Ряд институтов и исследовательских центров по всему миру изучают факторы, влияющие на человеческий потенциал и активность, духовную зрелость. Научные исследования, направленные на определение того, является ли связь между практической деятельностью и деятельностью мозга продуктом рационально спланированного невежества или щедрости, проводится совместно с такими дисциплинами как этика, культурология, аксиология, логика, эстетика и этика.

В процессе комплексных реформ в современном Узбекистане особое внимание уделяется организации повышения духовной культуры личности на основе научных критериев. В период третьего Возрождения в Узбекистане «... важно не только ускорить реформы, дальнейшее развитие науки, просвещения и инноваций, поднять уровень знаний не только молодежи, но и членов общества в целом»¹. Поэтому важно определить роль духовной культуры личности в общественном развитии, факторы, определяющие ее сущность, выработку выводов, имеющих научное и практическое значение.

Настоящая диссертация в определенной степени служит реализации задач, изложенных в Законе Республики Узбекистан от 14 сентября 2016 года «О государственной молодежной политике», УП-№-4947 Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП №-4307 от 3 мая 2019 г. «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-воспитательной работы», Приказе УП № -5465 от 8 апреля 2019 года «О мерах по разработке концепции развития национальной идеи на новом этапе развития Узбекистана», Послании Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева Олий Мажлису², а также задач, изложенных в других соответствующих нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетами развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

¹ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. <http://www.xs.uz>. 25 января 2020 года. № 19 (7521).

² Литература приведена в «Списке использованной литературы» диссертации.

Степень изученности проблемы. Во все периоды истории человечества выдвигались последовательные идеи по изучению природы и духовной культуры человека. В частности, в Авесто подчеркивается, что мораль личности требует баланса с разумом, даже в философских и моральных наблюдениях³, которые учат чистоте и добру, прославляют добро и осуждают зло и чувство вины.

Великие мыслители Востока, такие как Фараби, Беруни, Ибн Сино, Имам Бухари, Имам аль-Газали, Джалалиддин Руми, Юсуф Хас Хаджиб, Азизиддин Насафи, Алишер Навои, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлони, Махмудходжа Бехбудди, описывают жизнь общества и человека как главный фактор, выявляют его роль и ценность в нем⁴. В частности, по словам Беруни, «когда вы входите в сферу знания, ваше сердце должно быть свободно от обманчивых пороков, ослепляющих практик, таких как жесткие традиции, жадность, соперничество и порабощение жадностью», что означает, что наука является важным фактором в защите человека от невежества⁵. Слова Ибн Сина о том, что «Аллах дал человеку такую силу, что он может отличать добро от зла, интеллектуальную зрелость, совершенство от лжи и заблуждения»⁶, свидетельствует о том, что социокультурная ассимиляция мира основана исключительно на человеческой природе. В книге Джалалиддина Руми «Все твоё внутри тебя» говорится о балансе духа и тела в духовной зрелости человека. «... В момент посева своей корой семя прорастает и превращается в огромное дерево. Ведь если просто отделить семя от ядра, оно не прорастет. Однако, если вы бросите это семя на землю с его корой, оно обязательно вырастет» - это знак гармонии тела и души в духовной зрелости человека.

Европейские философы древности Платон, Августин, Аристотель, в новую эпоху И. Кант и Ф. Гегель, в XX веке К. Ясперс, А. Камю, М. Шелер дали классификацию факторов, влияющих на духовную зрелость личности. В частности, А. Камю в своем произведении «Незнакомец» обосновал негативное влияние отчуждения на Западе на духовность в образе Мерсо. Для М. Шелера духовность - это свобода, а нарушение нормы свободы ведет к безнравственности.

